

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Водий НГКЧБ директори

М.М.Анарбоев

2022й.

Водий нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаеи  
ходимларини мажбурий даврий тиббий кўрикдан ўтказиш  
бўйича  
**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

## **1 Умумий талаблар**

### **1.1. Техник топшириқ предмети:**

Водий НГҚЧБ мұхандис-техник ходимлари ва ишчиларини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиліги талабларига күра мажбурий даврий тиббий күриқдан ўтказиш ҳамда шахсий тиббий варақаларини расмийлаштириш.

**1.2. Күрсатыладиган хизмат күрсатышнинг мақсади, унга бўлган талаблар ва уни амалга ошириш учун асос:**

Ходимларнинг мажбурий тиббий кўриги Ўзбекистон Республикаси Мехнатни муҳофаза қилиш қонунининг 9-моддаси, Соғликни сақлаш Вазирлигининг 10.07.2012 й. санадаги “Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 200-сонли буйруғига мувофиқ амалга оширилиши зарур.

Мажбурий тиббий кўрик меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик асосида бажарилиб, кўриқдан ўтувчи ходимларда уларнинг клиник-лаборатор таҳлилларини бажариш ва ушбу таҳлил натижалари асосида касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика ўтказилиши шарт.

“Буюртмачи” ходимларини тиббий кўриқдан ўтказишида клиник-лаборатор текширувлари ҳамда якуний далолатнома натижаларига асосан касалланиш белгилари аниқланганда муайян бир ходимни ўзининг касбий мажбуриятларини бажаришга рухсат берилмаслик хуносаси бўлиши керак.

## **2 Кўрсатыладиган хизмат муддати шартлари**

**2.1. Ходимлар тиббий кўриги жорий 2022 йилнинг 1-чорагида амалга оширилиши шарт.**

**2.2. “Буюртмачи” ходимлари даврий кўригини ўтказиш тиббий муассаса томонидан тузиладиган жадвал асосида амалга оширилади.**

## **3 Кўрсатыладиган хизматга бўлган алоҳида талаблар**

**3.1. Даврий тиббий кўрик дастлабки ва даврий кўрикларни ўтказиш учун амалдаги лицензияга эга бўлган исталған мулкчилик шаклидаги тиббий муассаса томонидан ўтказилади.**

**3.2. “Бажарувчи” тиббий муассаса кўрсатыладиган тиббий хизматни Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш Вазирлигининг “Оғир меҳнат ва зарарли ва/ёки хавфли ишларда банд бўлган ишчиларни даврий мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низоми”га мувофиқ амалга оширади ҳамда “Низом...” дан келиб чиқсан ҳолда тегишли йўналишлардаги врачлар бригадасини тузади.**

**3.3. “Бажарувчи” “Буюртмачи”га тузилган врачлар бригадасининг ҳар бир мутахассиси ҳамда лаборатор таҳлиллар бўйича бир ходим учун белгиланган хизмат кўрсатиш нархи прейскурантини тақдим этади.**

**3.4. “Бажарувчи” тиббий муассаса “Буюртмачи” ходимлари меҳнат фаолиятини юритувчи худуд (Андижон вилояти, Андижон шаҳри)да жойлашган бўлиши керак.**

**3.5. “Бажарувчи” томонидан амалга ошириладиган таҳлил учун қон ва бошқа биологик суюқликлар олиш хоналари ва флюорографик кабинетлар айнан кўриқдан ўтказувчи врачлар фаолият юритадиган муассаса биносида жойлашган бўлиши керак.**

**3.6. Тиббий кўриқдан ўтказиш вақти соат 8<sup>00</sup> дан 16<sup>00</sup> гача.**

**3.7. Бир ходимни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш бир иш куни давомида амалга оширилади.**

3.8. “Буюртмачи” “Бажарувчи”га ходимларнинг меҳнат шароитлари (зарарсиз, зарарли, сменали ва ҳ.к.)ни кўрсатилган ҳолдаги рўйхатини тақдим этади.

3.9. “Буюртмачи” ходимларининг жами сони – 83 нафар.

3.10.“Бажарувчи” тиббий кўрикдан ўтган ҳар бир ходимга шахсий тиббий дафтар юритиши, уларга тиббий кўрик натижалари киритиши ҳамда кўрик якунида уларни “Буюртмачи”га тақдим этиши керак.

3.11. Тиббий кўрик натижаларига кўра эгаллаб турган лавозими бўйича меҳнат қилишга лаёқатсиз деб топилган ходимларга тегишли хулосани уларнинг ўзларига ҳамда “Буюртмачи”га тақдим этиши керак.

#### **4 Кўрсатилган хизмат учун тўловлар**

4.1. Хизмат кўрсатиш учун тўловлар аввалдан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

4.2. Хизмат кўрсатилган тўлов нархи 7 312 000 сўм – 100% пул ўтказиш йўли билан.

4.3. Молиялаштириш “Буюртмачи”нинг шахсий пул маблаглари ҳисобидан.

С ва ЭХ, СМҚ ва МХ етакчи мутахассиси  Р.Алимов

Кадрлар тайёрлаш бўлими етакчи мухандиси  М.Жамолов